

**Бухоро муҳандислик-технология институти ўқув ишлари
бўйича 2021 йилида амалга оширилган ишлар тўғрисида
маълумот**

Презедентимизнинг Олимлар билан учрашувда *“Фан-таълим-ишлаб чиқариш интеграцияси” бўйича институтда 2021-2022 ўқув йилида бир қатор ишлар амалга оширилди.*

Институт тузилмаси ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига мувофиқ қайта кўриб чиқилган ҳолда 2021 йилда олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланди.

Институтнинг таълим йўналишлари ва мутахассисликлари хусусиятидан келиб чиққан ҳолда кафедралар ташкил этилди.

8 та факультет, 34 та кафедралар 44 та бакалаврият таълим йўналиши ва 19 та магистратура мутахассислигида 445 нафар профессор-ўқитувчилар дарс жараёни билан уйғун ҳолда илмий-тадқиқот фаолиятларини ҳам олиб бормоқда.

Институтда 26 нафар фан докторлари профессорлар, 157 нафар фан номзодлари доцентлар, 262 нафар ўқитувчилар, 74 нафар докторантлар бўлиб, илмий салоҳият 41,2 фоизни ташкил этади.

Талабалар сони 2019 йилда **6969** нафардан 2020 йилда 9883 нафарга ошди. Талабаларнинг 6314 нафари кундузги таълим, 2668 нафари сиртки таълим, 194 нафари кечки таълим шаклида тахсил олмоқда. Шу жумладан, хорижий олий таълим муассасалари билан ташкил этилган 12 та қўшма таълим дастурида 270 нафар талаба ва 3 та қўшма таълим дастурида 19 нафар магистрлар ўқимоқда. Шунингдек, “Станкин” МТТУда 15 нафар магистрлар Россия давлати гранти асосида ушбу университетга 2-курсдан ўқишни давом эттирмоқда. Институтда талабаларнинг **31** нафари хорижликлардир.

2021 йил мобайнида хорижий ҳамкор ОТМларидан 24 нафар профессор-ўқитувчилар, олимлар, шунингдек, ишлаб чиқариш соҳасидаги етакчи мутахассислари дарс жараёнларига ва магистрлик диссертацияларига илмий раҳбарлик ҳамда маслаҳатчиликка жалб этилди.

Институтда хорижий ОТМлар билан 58 та ҳамкорлик шартномалари ва меморандумлар имзоланди.

Институтдаги аудитория фонди қайта кўриб чиқилди. Самарасиз ишлатилаётган 37 та хоналар аудиториялар фондига киритилди. Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва ҳомийлик ҳисобидан барча 217 та аудиторияларда видеокузатув қурилмалари ўрнатилди.

Институтда “Электрон марказ” ташкил қилинди. Ушбу марказ 120 та замонавий компьютерларни интернетга уланди. Талабаларнинг фойдаланиши учун электрон шаклдаги 17864 дан ортиқ ўқув адабиётлари, монография, авторефератлар ва диссертациялар жойлаштирилди.

Институтнинг ахборот-ресурс маркази фонди 1420 номда, 1914 нусхада янги адабиётлар билан бойитилди.

Институт томонидан 2020 йил давомида 29 та дарслик, 57 та ўқув қўлланмалар, 152 та илмий-тадқиқот натижалари бўйича монографиялар

чоп этилди, **136 та** ихтиро патентлари ва муаллифлик гувоҳномалари олинди, **2 млрд. 487 млн. сўмлик** хўжалик шартномалари ва грантлар қўлга киритилди. Инновацион ривожланиш вазирлиги эълон қилган танловларда **53 та 28 млрд. сўм** маблағли лойиҳалар топширилди, буларнинг асосий қисми танловлардан ўтишига қарамасдан молиялаштирилмади.

Тегишли тармоқ ва минтақавий марказларга 120 нафар профессор-ўқитувчилар қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўз малакаларини оширди.

Модул 3.7.7 версия платформаси яратилган бўлиб, адабиётлардан фойдаланиши учун институтнинг сайти орқали (https://t.me/BuxMTI_YI) YouTube каналида 1038 та Он-лайн видео дарслар жойлаштирилди. Талабалар учун электрон кутубхона ташкил этилган бўлиб, 7863 та электрон дарслик, ўқув қўлланма ва адабиётлардан фойдаланиш имконияти яратилган.

Чекка туманларда, қишлоқларда интернет етарли даражада ишламаганлиги сабабли, талабаларга қулайлик яратиш мақсадида Бухоро вилоятининг “Истиклол ТВ” ҳамда “НТВ” телеканаллари орқали институт профессор-ўқитувчилари томонидан талабалар учун фанлардан теледарсларнинг намоиш қилиб борилмоқда.

Халқаро "Ranking Web of universitiet" журнали рейтингида Ўзбекистон миқёсида институтимиз 58 ўриндан 19 ўринга кўтарилди.

Илмий лабораториялар бўйича маълумот

Бугунги кунда Бухоро муҳандислик - технология институти **12 та** илмий-тадқиқот лабораториялар Германиянинг ГИЗ дастури, Жаҳон банки, ОваЎМТ вазирлиги, корхона ва ташкилотлар ва институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ташкил этилган.

Жумладан “Спектрал таҳлил” “Ноаъанавий энергетика”, “Кимёвий технология”, “Нефт ва газ маҳсулотлари синтези”, “Озиқ-овқат микробиологияси”, “Сенсор ва аналитик таҳлил”, “Дон ва дон маҳсулотларини таҳлил қилиш”, “Мехатроника”, “Тўқимачилик, енгил саноат технологиялари ва дизайн, Электроэнергетика комплекси, чарм саноати технологиялари ва машинасозлик илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш лабораториялари.